ЁШ ТАТҚИҚОТЧИЛАР МИНБАРИ

ТРИБУНА МОЛОДЫХ ИССЛЕДОВАТЕЛЕЙ

YOUNG RESEARCHERS ROSTRUM

ҚЎТИРБУЛОҚ ЁДГОРЛИГИНИНГ ЛЕВАЛЛУА ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ЯСАЛГАН ТОШ ҚУРОЛЛАРИ

© 2023 й. Имомов Азиз

Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти

Калит сўзлар: Ф. Борд, леваллуа, пластина, учринди, Қўтирбулоқ, дорсал, вентрал, дистал, проксимал.

Маълумки, 1971 йилда Ю. Ф. Буряков раҳбарлигидаги Ўрта Зарафшон археологик гуруҳи томонидан Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ топилмажойлари аниқланган. Ёдгорликлар 1971–1972-йил мавсумида Н. Х. Тошкенбоев томонидан ўрганилган. Экспедициянинг асосий эътибори Қўтирбулоқни ўрганишга қаратилди, негаки, Зирабулоқнинг маданий қатламлари ўрта асрлардаёқ қурилиш ишлари натижасида бузилган эди. Қўтирбулоқ макони Самарқанддан 100 км шимолий-шарқда, Зирабулоқ тоғлари этакларида жойлашган. Ёдгорликнинг 165 м^2 майдонида қазишма ишлари олиб борилган ва унинг чегарасини аниқлаш учун кўплаб қазилмалар амалга оширилган.

Мустақиллик даврида Қўтирбулоқ ёдгорлигида Ўзбекистон–Польша (1994-1995 йиллар), Ўзбекистон-Россия (2002 йилда) халқаро ҳамкор экспедициялари томонидан тадқиқотлар амалга оширилган.

Мазкур мақола XX асрнинг 70- ва 90-йиллардаги Қўтирбулоқ ёдгорлигидан қазиб олинган тош буюмлар орасидаги леваллуа технологик компонентнининг тадқиқотига бағишланган. Ёдгорликда леваллуа техникасининг ҳар учала вариантлари (леваллуа учиринди, тиғ ва пластина) ҳам ҳукм сурганлиги аниқланди. Уларнинг миқдорий кўрсатгичлари Қўтирбулоқни ўрта палеолитнинг леваллуа фациясига киритиш имконини беради.

КАМЕННЫЕ ОРУДИЯ ПАМЯТНИКА КУТУРБУЛАК, ИЗГОТОВЛЕННЫЕ ПО ТЕХНОЛОГИИ ЛЕВАЛЛУА

© 2023 й. Имомов Азиз


Самаркандский институт археологии имени Я. Гулямова

Ключевые слова: Ф. Борд, леваллуа, пластина, отщеп, Кутурбулак, дорсаль, вентраль, дисталь, проксималь.


Известно, что памятник Кутурбулак был впервые обнаружен в 1971 году Среднезарафшанским археологическим отрядом под руководством Ю.Ф. Бурякова. Памятник исследовался Н.Х. Ташкенбаевым в сезонах 1971–1972 гг. Основное внимание экспедиции было уделено изучению Кутирбулака, так как культурные слои Зирабулака были нарушены в результате строительных работ в историческое время. Кутурбулак расположен в 100 км к западу от г. Самарканда, у подножья Зирабулакских гор. Раскопками на памятнике было вскрыто 165 м2 площади. В период независимости исследования проводились Международными партнерскими экспедициями Узбекистан–Польша (1994–1995 гг.) и Узбекистан–Россия (2002 г.). Данная статья посвящена исследованию на основе технологического метода леваллуа каменных предметов, извлеченных из памятника Кутурбулак в 70-90-е годы XX века. Установлено, что на памятнике преобладали все три варианта леваллуазской техники (леваллуазский отщеп, лезвия и пластины). Их количественные показатели позволяют включить Кутурбулак в леваллуазскую фацию среднего палеолита.

Кириш. Қўтирбулоқ ёдгорлиги дастлаб 1971 йилда Ю. Ф. Буряков раҳбарлигидаги Ўрта Зарафшон археологик гуруҳи томонидан Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ топилмажойлари аниқланган. Ёдгорликлар 1971–1972-йиллардаги мавсумларда ўрганилган. Экспедициянинг асосий эътибори Қўтирбулоқни ўрганишга қаратилди, негаки, Зирабулоқнинг маданий қатламлари ўрта асрлардаёқ қурилиш ишлари натижасида бузилган эди. Қўтирбулоқ топилмажойи Самарқанддан 100 км ғарброқда, Зиёвиддин тоғлари этакларида жойлашган. Ёдгорликнинг 165 м^2 майдонида қазишма ишлари олиб борилган ва унинг чегарасини аниқлаш учун кўплаб қазилмалар амалга оширилган (1–2 расм).Топилмажойда бешта маданий қатлам аниқланган. Қўтирбулоқнинг тош буюмлари коллекцияси 10000 тани ташкил қилади. Р. Ҳ. Сулейманов ва Н. Х. Тошкенбоевлар Қўтирбулоқни Обираҳмат маданий гуруҳига киритганлар (Тошкенбоев ва б. 1980: 8–11).

1994 йил Қўтирбулоқ ёдгорлигида ЎзР ФА Археология институти билан Варшава университети ўртасида имзоланган шартнома асосида Ўзбекистон-Польша халқаро экспедицияси амалга оширилди.Тадқиқотларнинг ўша пайтдаги ҳолати билан танишиб чиқилганидан кейин изланишлар уч йўналишда йўлга қўйилди. Бундай йўналишлардан бири Зарафшон воҳасининг ўрта палеолитини ўрганишга қаратилди. Халқаро ҳамкор экспедициянинг дала тадқиқот ишлари 1995 йилда ўрта палеолит даврига оид Қўтирбулоқ топилмажойини қазиш ишлари билан бошланди. Бундан мақсад ёдгорликнинг стратиграфик ҳолатини ва маданий ётқизиқларнинг мутлақ хронологиясини аниқлаштиришдан иборат бўлди 1971–72-йилларда Н. Х. Тошкенбоев ва Р. Ҳ. Сулеймановлар томонидан амалга оширилган ва олинган натижалар бир қатор илмий мақолаларда ҳамда «Культура древнекаменного века долины р. Зарафшана» номли монографияда ўз аксини топган эди. 1995 йилги қазишмада эски қазишмаларнинг тахминий ўрни аниқлаб олинганидан сўнг унинг жанубий қисмида янги қазишма амалга оширилди



1-расм Қўтирбулоқ ёдгорлигининг харитадаги жойлашиши
Рис. 1. Место расположения памятника Кутирбулак на карте
Figure 1. The location of the site Kuturbulak on the map



2-расм Қўтирбулоқ ёдгорлигиниг умумий плани
Рис. 2. Общий план памятника Кутурбулак
Figure 2. The general plan of the site Kuturbulak

ва унинг ҳажми 5 х 5 метрга етказилди. Ушбу қазишма Н. Х. Тошкенбоев қазишмаларининг тўғридан-тўғри давоми бўлди. Қўтирбулоқдан жами 873 та артефакт йиғиб олинди, улардан 538 таси маданий қатламдан ва қолган 335 таси аралаш қатламлардан олинди. Ёдгорликнинг оҳактошли массасидан ва травертинидан уранторий ва термоалюминоцент усуллари ёрдамида унинг хронологиясини аниқлаш учун намуналар олинди. Фтор-хлор-апатит усули ёрдамида саналаш учун суяк (ёмон сақланган ва майда бўлакланган) қолдиқлари олинди. Қўлга киритил-

ган натижалар Қўтирбулоқ намуналарига 32.9 ± 1.1 минг йиллик санани берди (Szymezak ва бошқ. 2000:123–124).

2002 йилда ЎзР ФА Археология институти билан Россия ФА Археология, антропология ва этнография институти ўртасида тузилган ҳамкор экспедицион тадқиқотлар дастури доирасидаги шартномага кўра, Қўтирбулоқ топилмажойида тадқиқотлар давом эттирилди. Янги босқичдаги тадқиқотлардан кўзланган асосий мақсад ёдгорликни комплекс ўрганиш, объектнинг стратиграфик ҳолатини аниқлаш ва булоқ ҳудудидаги истиқболли тадқиқотларни белгилашдан иборат бўлди. Қўйилган мақсадга эришиш учун топилмажой синчиклаб кўздан кечирилди ва 1971–1972 йилги қазишмадан 15 м жанубий-ғарб томондан 18 м^2 майдонли қазишма амалга оширилди. Қазишма жойнинг шароитларидан келиб чиқиб танланди, негаки, булоқ ҳудудида интенсив қишлоқ хўжалик ишлари амалга оширилаётган эди. Назарда тутилган майдонда иш бошлашнинг бошланғич босқичида 4 м^2 майдон 1,4 м чуқурликкача очилди (ер ости сувларигача), сўнгра объектда ишлар тўхтатилди (Деревянко ва б. 2002: 56–63). Ҳозирда Қўтирбулоқ ёдгорлиги ҳудудини темир йўл кесиб ўтган.

Методлар. Маълумки, тошларни чақмоқлаш иккига – ординар (оддий) ва концептуал[1] турларига бўлинади. Ашел маданиятининг охирларига келиб, ибтидоий одамлар тош синдиришнинг концептуал системаларига эришдилар. Улардан энг қадимгиси леваллуа техникаси ҳисобланади. Леваллуа техникаси илк (400 минг йиллар муқаддам) палеолит даврининг охирларида, ашел маданияти доирасида пайдо бўлган технологиянинг ҳозирги замондаги аталиши бўлиб, бу атама ушбу техника усулида дастлабки тош қуроллар топилган Франциянинг Леваллуа-Перре ёдгорлиги номидан олинган. Бу ерда дастлабки тадқиқот олиб борган археолог Ребу қазишмадан чиққан тош буюмларни Карнавал музейига топширади ва тез орада археолог А.Е. Брейл илмий муомалага киритади. Кейинчалик, леваллуа тошга ишлов бериш техникаси бўйича жуда кўплаб археологлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган ва тадқиқотлар натижасида француз олими Ф. Борд ўз ғояларни илгари сурган. Айнан Ф.Борд леваллуа тош техникасини 3 та турга бўлган:

1. Леваллуа учринди (отщеп леваллуа – eclat levallua)


2. Леваллуа тиғ (леваллуазский остроконечник – pointe levallua)

3. Леваллуа пластина (леваллуазская пластина – lame levallua)

Леваллуа учринди олинадиган нуклеус тошбақасимон шаклда бўлиб, одатда битта ўзак тошдан 2 та ёки 3 та леваллуа учринди олиш имконияти бўлган (3-расм, *1*). Леваллуа пуант эса учбурчаксимон шаклда бўлиб, найза учи сифатида ишлатилган. Леваллуа пуантни қўлга киритиш учун нуклеуснинг иш юзаси учбурчак шаклда, зарб майдони эса аксарият ҳолларда фасеткалаштирилиб, жандармнинг шляпаси (chapeau de gendarme) кўринишида тайёрланган (3-расм, *2*). Леваллуа пластинани қўлга киритиш учун узунчоқ шаклли тановор олиниб, дастлаб унинг ҳар иккала ён томонлари юзанинг марказига йўналтирилган ёнлама йўнишлар ёрдамида чақмоқланган ва иш юза бўрттириб олинган. Сўнгра ўзакнинг кўндаланг томонларидан бирида битта зарб майдон тайёрланган (кўпинча фасеткалаштирилган). Тайёрланган бўртик иш юзадан битта антам ва иккита жпанеллаж леваллуа пластиналар йўниб олинганидан кейин, нуклеусни чақмоқлаш призмасимон системага ўтиш содир бўлган. Бироқ ўзакнинг иш юзасида ҳосил бўлган қовурғасимонлик йўниб олинган пластиналар қирраларининг ўткирлигини таъминлаган, яъни пластиналар нуклеус юзасидаги учтадан кам бўлмаган қовурғасимон йўнилғи негативлари билан бирга чақмоқлаб олинган. Зарур ҳолларда чақмоқлашнинг кейинги босқичларида ҳам нуклеуслар айрим ёнлама йўнишлар ёрдамида шакллантирилган (3-расм, *3*).


Ўрта Осиёнинг палеолитшунос олимлари хам леваллуа техникаси бўйича фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтишган.Жумладан, В. А. Ранов ўзининг дастлабки қарашларини (А ва Б гуруҳларининг ажратилиши) Ф. Борд ғоялари билан мослаштиришга ҳаракат қилган. А гуруҳи

[1] Нуклеусдан чақмоқлаб олиниши режалаштирилаётган йўнилғининг шаклу-шамоили ибтидоий устанинг миясидан аввалдан концепция қилинади. Мақсад кесгир ва қулай тош қуролни синдириб олишга қаратилади ва бу йўлда бир қатор учириндилар чиқитга чиқариб ташланиши ҳам мумкин.



3-расм Леваллуа техникаси асосида тош қурол ясалиши
Рис. 3. Изготовление орудия по леваллуазской технике
Figure 3. Stone making based on the Levallois technique

(леваллуа-мустье) техник-типологик таҳлиллар асосида учта фацияларга ажратилган: леваллуа, леваллуа-мустье, мустье; Б гуруҳи эса мустье-соан фациясидан таркиб топади (Ранов 1972: 279–280). Леваллуа фациясига Хўжакент, Обираҳмат (Ўзбекистон), Жарқўтон (Тожикистон) каби ёдгорликлар киритилиб, уларнинг индустриялари учун юза бўйлаб чақмоқланган



4-расм 1-2-3-4 леваллуа пластиналари
Рис. 4. 1-2-3-4 пластины леваллуа
Figure 4. 1-2-3-4 levallois plate


бир-икки зарб майдонли нуклеуслар характерлидир. Тановорлари асосан ўта йирик ҳажмли леваллуа пластиналардан таркиб топган. Леваллуа-мустье фациясига Қайроққум (Тожикистон), Қопчиғой, Тоссор (Қирғизистон) каби ёдгорликлар киритилган ва уларнинг индустриялари леваллуа фациясига яқин, бироқ қатор ўзига хосликлари ҳам кузатилади, деб топилган. Индустрияларда асосан юза бўйлаб чақмоқланган ва гардишсимон нуклеуслар кўпчиликни ташкил қилади. Пластинасимон чақмоқлаш амалга оширилган гардишсимон ўзаклар кўплаб учрайди. Пластиналар индекси юқоридаги фациядаги каби юқори. Тановорлари орасида леваллуа типидаги пластиналар кўпчиликни ташкил қилади ва атипик шаклларнинг ўсиши кузатилади. Мустье фациясига қуйидаги ёдгорликлар киритилган: Тешиктош (Ўзбекистон), Семиганч, Оғзикичик (Тожикистон) кабилар. Ёдгорликларда бир ёки икки тарафлама ишлов берилган гардишсимон нуклеуслар кўпчиликни ташкил қилади. Пластиналар ва леваллуа индексларининг пасайиши кузатилади. «Тайёр қуроллар мустьега хос синчиклаб ишлов берилиб, тановорларнинг нафақат қирралари, балки қисман дорсалларига ҳам ишлов берилган» (Ранов ва бошқалар 1973: 25). Б гуруҳининг мустье-соан фациясига Қорабура, Кўҳипиёз, Оқжар (Тожикистон) киритилган. Ёдгорликларнинг индустрияларида тартибсиз чақмоқланган бир тарафлама ишланган гардишсимон нуклеуслар кўпчиликни ташкил қилади ва кенг, текис зарб майдончали, атипик, калта ҳамда юпқа учириндилар олиш кенг тарқалган. Пластиналар индексининг пастлиги кузатилади. Ушбу фация индустрияларининг ўзига хос хусусияти чоппинглар типидаги галкали қуролларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

М. Жўракулов ҳам В. А. Рановнинг концепциясини иккита гуруҳини ҳисобга олиш маъкулроқ деб топди. Биринчи гуруҳга леваллуа-мустье техникаси услуби ишлатилган қурол-


ларга эга ёдгорликлар киради. Жумладаи, В. А. Рановнинг кўрсатишича, буларга Кайроққум, Тешиктош, Хўжакент, Жарқутон, Обираҳмат кабилар киради. Бу маконлардан топилган қурол-аслахаларнинг ясалиш техникавий услубларининг доимий ривожланиб бориши Ўрта Осиё мустье даври маданиятининг эволюциясини ифода этилиши назарда тутилади. Бу гуруҳга кирувчи ёдгорликларнинг Олд Осиё леваллуа-мустье техникавий услубига яқинлиги асос қилиб олинади. Иккинчи гуруҳ ёдгорликларига Корабура макони киради. Бу гуруҳга кирувчи макон маданиятининг Шаркий Осиё ёдгорликларига, айниқса, Шимолий-Ғарбий Ҳиндистон маданиятларига яқинлиги эътироф қилинади (Журакулов 1984: 37)

Шунингдек, Л. Б. Вишняцкийнинг фикрича, В. А. Ранов концепциясининг заиф томони унда терминологик аппаратнинг яхши ишланмаганлигидадир. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, В. А. Ранов ўзининг схемаларида Ф. Борд томонидан Францияда ишлаб чиқилган типологик тизимдан фойдаланди ва уни Ўрта Осиё ёдгорликларига мослаштирмади. Ушбу концепция, қайд қилинган эътирозларга қарамасдан, фан оламида умумий қабул қилинди ва ҳозиргача марказий қарашлардан бири бўлиб қолмоқда.

Р. Ҳ. Сулаймонов ҳам В. А. Рановнинг концепциясини танқид қилиб чиқди, негаки, «биринчидан, (В. А. Ранов) кўплаб хусусиятларнинг биргаликда келишини ҳисобга олмаган ва иккинчидан, бу концепция Ўрта Осиёнинг мустье даври ёдгорликларини ички гуруҳларга аниқ ажратиш имконини бермайди» (Тошкенбоев ва бошқалар 1980: 74). Шунга қарамасдан, В. А. Ранов билан Р. Ҳ.Сулаймонов концепциялари ўртасида ворисийлик кузатилади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз таснифларининг асосига учта мезонни – леваллуа, пластинасимонлик ва тишсимонлик индексларини қўяди ҳамда ҳар иккаласи ҳам Ф. Борднинг техник-типологик услубидан фойдаланади. Р. Ҳ. Сулаймонов маданиятни илк ва ўрта палеолитдан (Омонқўтон)




5-расм 1 – леваллуа пластинанинг проксимал кисми, 2-4 леваллуа пластиналари, 3 – леваллуа пуант
Рис. 5. 1 – проксимальная часть пластины леваллуа,2-3 пластины леваллуа, 3 – пуант леваллуа
Figure 5. 1 – proximal part of levallua plate, 2-4 levallois plate, 3 – levallois point



6-расм 1 – леваллуа пластина, 2-3 леваллуа пластинанинг проксимал кисми, 4 – леваллуа пластинанинг дистал кисми
Рис. 6. 1 – пластина леваллуа, 2-3 проксимальная часть пластины леваллуа, 4 – дистальная часть пластины леваллуа
Figure 6. 1 – levallois plate, 2-3 proximal part of levallua plate, 4 – distal portion of Levallois plate


сўнгги палеолитгача (Обираҳмат ғорининг юқори қатламлари) бўлган диапазонда динамик ривожланишда кўриб чиқади. В. А. Ранов эса фақат ўртадан сўнгги палеолитгача бўлган ривожланиш йўналишининг кетма-кетлигинигина кузатади. Бунда у ривожланишни анча батафсил кўрсатиб ўтган. (Ранов 1972: 279–280).

Материаллар. Самарқанд археология институти фондида сакланаётган Н. Х. Тошкенбоев (1971–1972) ва Карол Шимчак (1995) томонидан тадкик килинган коллекцияда Қўтирбулоқ леваллуа тош буюмларнинг барчаси қумтошдан (песчаник) ишланган. Улардан бири леваллуа пластинали пичоқ (1971) бўлиб, ҳажми 97 х 37 х 11 мм. Пластинананинг зарб майдончаси фасеткалаштирилган. Профили эгри чизиқсимон. Зарб тепалиги бироз бўртган. Дорсалдаги йўнилғи негативлар узунасига субпаралел характерга эга. Ўнг латерал дистал қисмида ретуш излари мавжуд (4-расм, 1). Кейинги тошимиз қумтошли леваллуа пластина (1971). Ҳажми 95 х 40 х 12 мм. Пластинанинг зарб майдончаси фасеткалаштирилган.Профили бироз егик. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар узунасига қарама-қарши субпараллел характерга эга. Дорсалнинг медиал қисми ва вентрал томониннинг ўнг ва чап латерал қисмида псевда ретуш излари мавжуд (4-расм, 2). Навбатдаги тош леваллуа пластина (1971) бўлиб, ҳажми 69 х 33 х 8.5 мм. Пластинанинг зарб майдончаси текис. Профили тўғри чизиқсимон. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар узунасига қарама-қарши субпараллел характерга эга. Дорсал ва вентрал қисмининг ўнг ва чап латерал томонларда псевда ретуш излари бор (4-расм, 3). Навбатдаги тош леваллуа пластина бўлиб (1971), ҳажми 84 х 47 х 19 мм. Пластинанинг зарб майдончаси фасеткалаштирилган. Профили тўғри чизиқсимон. Дорсалдаги йўнилғи негативлар узунасига қарама-қарши субпараллел характерга эга. Дорсалнинг чап латерал медиал қисмида ретуш излари бор




7-расм 1-2-3-4 леваллуа пластиналар
Рис. 7. 1-2-3-4 пластины леваллуа
Figure 7. 1-2-3-4 levallois plate

(4-расм, 4). Тўпламдаги кейингги тошимиз леваллуа пластинанинг проксимал қисми (1971) бўлиб, ҳажми 58 х 35 х 6 мм. Пластинанинг зарб майдончаси фасеткалаштирилган. Профили тўғри чизиқсимон. Зарб ўйиги мавжуд. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар субпараллел характерга эга. Дорсалнинг ўнг латерал қисмида ретушлар бор бўлиб, чап латерал қисмида ретуш излари камчиликни ташкил қилади. Ушбу пластинанинг дистали (тошнинг юқори қисми) синган бўлиб, ҳозирда фақат проксимали(тошнинг пастки қисми) қолган(5-расм, 1). Навбатдаги тош леваллуа пуант (1972) бўлиб, ҳажми 50 х 35 х 7 мм. Пластинанинг зарб майдончаси икки қиррали. Профили тўғри чизиқсимон. Зарб тепалиги бироз бўртиб чиққан. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар перпендикуляр характерга эга. Ўнг латерал дистал қисмида ретуш излари мавжуд (5-расм, 2). Кейингги тошимиз қумтошли леваллуа пластина (1971). Ҳажми 71 х 34 х 11мм. Пластинанинг зарб майдончаси бузилган. Профили тўғри чизиқсимон. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар субпареллел характерга эга. Дорсалнинг ўнг ва чап латерал дистал қисмида псевда ретуш излар бор (5-расм, 3). Коллексиямизнинг навбатдаги тоши ҳам қумтошли леваллуа пластина (1971). Ҳажми 70 х 35 х 11 мм. Пластинанинг зарб майдончаси текис. Профили тўгри чизиқсимон. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар узунасига қарама-қарши субпараллел характерга эга. Дорсалдаги чап латарал проксимал қисмида ретуш излари мавжуд. Қолган ўнг ва чап латерал қисмида псевда ретушлар қоплайди. Вентрал қисмининг эса ўнг латерал дистал қисмида ретуш излари мавжуд бўлса, чап латарал дистал қисмида псевда ретуш излари бор (5-расм, 4). Қумтошли леваллуа пластина(1971). Ҳажми 58 х 33 х 13 мм. Пластинанинг зарб майдончаси синган. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар узунасига субпараллел характерга эга. Пластинанинг дорсалида катта ва кичик ретуш билан қопланган (6-расм, 1). Коллекциямиз-



8-расм 1-2-3-4 леваллуа пластиналар
Рис. 8. 1-2-3-4 пластины леваллуа
Figure 8. 1-2-3-4 levallois plate

нинг кейинги тош қуроли леваллуа пластинанинг проксимал фрагменти (1971)бўлиб, ҳажми 61 х 23 х 11мм. Профили тўғри чизиқсимон. Пластинанинг зарб майдончаси фасеткалаштирилган. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар узунасига субпараллел характерга эга (6-расм, 2). Навбатдаги тош қумтошли леваллуа пластинанинг проксимал фрагменти (1972) бўлиб, ҳажми 40 х 40 х 7 мм. Профили тўғри чизиқсимон. Пластинанинг зарб майдончаси фасеткалаштирилган. Зарб тепалиги бироз бўртган. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар узунасига субпараллел характерга эга (6-расм, *3*). Кейингги тош леваллуа пластинанинг дистал қисми (1971) бўлиб, ҳажми 68 х 33 х 11мм. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар узунасига субпараллел характерга эга. Дорсални ўнг медиал қисмида ретуш излари мавжуд.Унга қарама-қарши чап медиал қисмида эса псевда ретуш бор. Вентрал қисмида ҳам псевда ретушларни кўришимиз мумкин. Дорсалининг дистал қисмида ретушлари бир хил тартибда бўлиб, кўп эҳтимол билан қирғич сифатида ишлатилган (6-расм, 4). Навбатдаги тош қумтошли леваллуа пластина (1971) бўлиб, ҳажми 78 х 42 х 15 мм. Зарб майдончаси бузилган. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар узунасига субпараллел характерга эга. Пластинанинг вентрал қисмида медиал томонидагини псевда ретуш излари бор (7-расм, 1). Кейинги тош қумтошли леваллуа пластина (1972) бўлиб, ҳажми 90 х 37 х 19 мм. Профили тўғри чизиқсимон. Зарб майдончаси бузилган. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар узунасига қарама-қарши субпараллел характерга эга. Дорсалининг дистал қисмида табиий корка билан қопланган. Дорсалининг ўнг проксимал қисмида псевда ретуш излари бор (7-расм, 2). Навбатдаги тошимиз ҳам қумтошли леваллуа пластинанинг проксимал фраг-



9-расм 1-2 леваллуа пуант,3-4 леваллуа отщеп
Рис. 9. 1-2 пуант леваллуа,3-4 отщеп леваллуа
Figure 9. 1- levallois point,3-4 levallois flake

менти (1971) бўлиб, ҳажми 52 х 31 х 10 мм. Профили тўғри чизиқсимон. Зарб майдончаси фасеткалаштирилган. Зарб ўйиғи ҳам мавжуд. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар узунасига субпараллел характерга эга (7-расм, 3). Коллекциямизнинг навбатдаги тоши леваллуа пластинанинг медиал фрагменти (1971) бўлиб, ҳажми 52 х 28 х 12 мм. Профили тўғри чизиқсимон. Зарб майдончаси синган. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар узунасига субпараллел характерга эга (7-расм, 4). Навбатдаги тош қумтошли леваллуа пластина (1971) бўлиб, ҳажми 95 х 28 х 11мм. Зарб майдончаси икки қиррали. Профили тўғри чизиқсимон. Дорсалидаги йўнилғи нэгативлар узунасига субпараллел характерга эга. Дорсалидаги чап лотериал қисмида табиий корка билан қопланган. Дорсал ва вентрал қисмида псевда ретуш излари мавжуд (8-расм: 1). Кейингги тош қумтошли леваллуа пластина пичоқ (1971) бўлиб, ҳажми 111 х 47 х 12 мм. Зарб майдончаси фасеткалаштирилган. Зарб тепалиги бироз бўртган ва ҳамда зарб ўйиғи ҳам мавжуд. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар узунасига қарама-қарши субпараллел характерга эга. Профили тўғри чизиқсимон. Дорсалининг ўнг дисталидан проксималигача ретуш билан қопланган. Унга қарама-қарши чап латерал ва медиал қисмида баъзи жойларда псевда ретуш бор (8-расм, 2). Кейинги тош қумтошли леваллуа пластина (1971) бўлиб, ҳажми 79 х 47 х 12 мм. Зарб майдончаси текис ва профили тўғри чизиқсимон. Дорсалидаги йўнилғи нэгативлар узунасига қарама-қарши субпараллел характерга эга. Дорсалидаги чап латерал қисмида табиий корка билан қопланган. Дорсалининг дистал қисмида ретуш излари бор. Вентралнинг ўнг ва чап латерал қисмида эса псевда ретуш излари бор (8-расм: 3). Яна бир навбатдаги тош ҳам

қумтошли леваллуа пластина (1972) бўлиб, ҳажми 83 х 39 х 10 мм. Зарб майдончаси фасеткалаштирилган ва зарб тепалиги бироз бўртган. Профили тўғри чизиқсимон. Дорсалдаги йўнилғи нэгативлар узунасига қарама-қарши субпараллел характерга эга. Дорсалининг ўнг латерал қисмида ретуш билан қопланган (8-расм, 4). Коллекциямизнинг навбатдаги тош қумтошли леваллуа пуант (1995) бўлиб, ҳажми 86 х 35 х 12 мм. Зарб майдончаси фасеткалаштирилган ва зарб ўйиғи мавжуд. Профили тўғри чизиқсимон. Дорсалидаги йўнилғи нэгативлар узунасига қарама-қарши субпараллел характерга эга. Пуантнинг баъзи бир жойларда псевда ретуш бор бўлиб, факатгина вентралнинг ўнг медиал қисмида ретуш мавжуд (9-расм, 1). Кейинги тош ҳам қумтошли леваллуа пуант (1971) бўлиб, ҳажми 66 х 31 х 7 мм. Профили тўғри чизиқсимон.Зарб майдончаси синган. Дорсалидаги йўнилғи нэгативлар узунасига конвергент субпараллел характерга эга. Ўнг ва чап латерал қисмида ретушлар билан қопланган (9-расм: 2). Навбатдаги тош қумтошли леваллуа учиринди (отщеп-1971). Ҳажми 47 х 41 х 16 мм. Зарб майдончаси икки қиррали. Дорсалидаги йўнилғи нэгативлари мултдирексионал характерга эга (9-расм, 3). Ва ниҳоят тўпламнинг сўнгги тоши қумтошли леваллуа учиринди (отщеп-1972) бўлиб, ҳажми 38 х 36 х 12 мм. Зарб майдончаси фасеткалаштирилган ва зарб ўйиғи мавжуд. Дорсалидаги йўнилғи нэгативлари марказга интилувчи характерга эга. Учриндининг ўнг латерал дистал қисмида ретуш излари бор (9-расм: 4).

Мунозаралар. Р. Ҳ. Сулаймонов ва Б. Қ. Сайфуллаев Қўтирбулоқ материлларни кўриб, Обираҳмат маданиятига яқинлиги туфайли леваллуа вариантига киритганлар. Т. Омонжулов ва Л. В. Кулаковскаларнинг фикрича, Қўтирбулоқ тишсимон-мусте вариантига киради. В. А. Ранов ва З. А. Абрамовлар эса Қўтирбулоқни типик-мусте вариантига киритганлар. Хўш Қўтирбулоқ макони ўрта палеолитнинг қайси вариантига киради? Бизнинг фикримизча, Қўтирбулоқ ёдгорлигида леваллуа техникаси элементлари кучлироқ.Тишсимон элементлар ҳам мавжуд. Аммо кўпгина тош қуроллардаги ретушлар (тишлар) механик характерга эга.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ф. Борд томонидан ишлаб чиққан леваллуа технологияси илмий жамоатчилик омма томонидан қабул қилинди. Лекин баъзи тадкикотчилар леваллуа пластинани шубха остига олишди. Жумладан: Р. Сулаймонов, Н. Праслов, В. Гладилин каби олимлар Ф.Борднинг левалла учиринди ва леваллуа пуантнигина тан олишди (Гладилин 1989: 30).

Қўтирбулоқ ёдгорлигида ҳам Ф. Борд томонидан ишлаб чиқилан ҳар 3 этапга тегишли меҳнат қуролларни кўплаб учратамиз. Н. Тошкенбоев Қўтирбулоқнинг барча қатламларида унча кўп бўлмаган, лекин анчагина яхши леваллуа учиринди, леваллуа пластина ва лувалуа пуант борлигини таъкидлаб ўтган (Ташкенбаев ва бошқалар 1980: 27). Н. Тошкенбоев Қўтирбулоқ леваллуа технологияси бўйича ясалган тошларни кенгроқ тўхталиб ўтмаган. Карол Шимчак ҳам ўзининг тадкикотида фақат леваллуа пуантга кўпроқ ёндашган.

Тадқиқотимиз мобайнида бевосита Н. Тошкенбоев ишларига аниқлик киритиш ва левалуа тош техникасини ҳар 3 та этапини тан олган ҳолатда Қўтирбулоқнинг индустрияси левалуа технологиялари асосида ривожланганлиги исботланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Гладилин В. Н. Что же такое техника леваллуа? // Каменный век: памятники, методика, проблемы / Ответ. ред. С.Н. Бибиков. Киев: Наукова думка, 1989. С. 30–45.

Деревянко А. П., Анойкин А. А., Борисов М. А., Сайфуллаев Б. К. Новые данные о стоянке Кутурбулак (Республика Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и со-предельных территорий. Новосибирск: Изд-во ИАЭТ СО РАН, 2002. С. 56–63.

Жўрақулов. М. Ўрта Осиё ибтидоий археологияси / Мухаррир Д. Бегимқулов. Тошкент: O`qtuvchi, 1984. С. 36–37.

Ранов В. А., Несмеянов С. А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии. Душанбе: 1973. 25 с.

Смирнов С.В. Значение леваллуазской техники в древнекаменном веке // Советская археология. № 4. Москва, 1978. С. 5–15

Ташкенбаев Н. Х. Сулейманов Р. Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана // Отв. ред. Г. П. Григорьев. Ташкент: Фан, 1980. С. 8–11.

Szymezak K., Gretchina T., Madeska, Khudzhanazarov M., Tashkenbaev N., Suleimanov R., Falgueres Ch., Fontugue M. Kuturbulak Revisited. A Middle Paleolithic Site on Zeravshan River Valley, Uzbekistan. Warsawa: Institute of Archaeology Warsawa University, 2000. C. 123–124.

REFERENCE:

Ranov V. A., Nesmeyanov S. A. 1973. *Paleolit i stratigrafiya antropogena Sredney Azii* (Paleolithic and anthropogene stratigraphy of Central Asia). Dushanbe: 25. (In Russian).

Smirnov S.V. 1978. In Artsixovskiy A.V. (ed.) *Znacheniye levallazskoy texniki v drevnekamennom veke* (The significance of Levallas technique in the Old Stone Age). In Sovetskaya arxeologiya. №4. Moscow: 5–15 (In Russian).

Tashkenbaev N.Kh. Suleymanov R.Kh. 1980. In Grigorev G. P. (ed.) *Kultura drevne kamennogo veka dolini Zarafshana* (Culture of the ancient Stone Age of the Zarafshan valley). Tashkent: FAN Publ., 8–11 (In Russian).

M.Jo‘raqulov. 1984. In Begimqulov.D (ed.) *O‘rta Osiyo ibtidoiy arxeologiyasi* (Early archeology of Central Asia) Toshkent: Uqtuvchi Publ,. 36–37 (In Uzbek).

Szymezak K., Gretchina T., Madeska, Khudzhanazarov M., Tashkenbaev N., Suleimanov R., Falgueres Ch., Fontugue M. 2000. *Kuturbulak Revisited. A Middle Paleolithic Site on Zeravshan River Valley*, Uzbekistan. – Warsaw: Institute of Archaeology Warsaw University,. 123–124 (In English).

Derevyanko A. P., Anoykin A. A., Borisov M. A., Sayfullayev B. K. *Novie dannie o stoyanke Kuturbulak (Respublika Uzbekistan)* (New data on the Kuturbulak site (Republic of Uzbekistan)).2002. Problemi arxeologii, etnografii, antropologii Sibiri i sopredelnix territoriy.

Novosibirsk: Izd-vo IAEt SO RAN,. 56-63 (In Russian).

Gladilin V.N. 1989. In Бибиков С.Н. (ed.) *Chto je takoye texnika levallua?* (What is the Levallois technique?) Kamenniy vek: pamyatniki, metodika, problemi. Kiev: Наукова думка Publ,.30–45 (In Russian).

THE STONE WEAPONS FROM KUTURBULAK AND THEIR PRODUCTION USING LEVALLOIS TECHNOLOGY

© 2023. Imomov Aziz

Samarkand Institute of Archeology named after Y. Gulyamov

Key words: F. Bord, Levallois, plate, encountered, Kuturbulak, dorsal,ventral, distal, proximal

It is known that the Kuturbulak monument was first discovered in 1971 by the Middle-Zarafshan archaeological team under the leadership of Y.F. Buryakov. The monument was investigated by N.H. Toshkenboyev in 1971-1972 seasons. The main attention of the expedition was paid to the study of Kuturbulak, as the cultural layers of Zirabulak were damaged as a result of construction works in historical times. Kuturbulak is located 100 km west of Samarkand, at the foot of the Zirabulak Mountains. Excavations at the monument uncovered 165 m2 of area at the monument. During the period of independence, research was conducted by international partner expeditions, including those of Uzbekistan-Poland (1994–1995) and Uzbekistan-Russia (2002) at the Kuturbulak monument. This article focuses on the study of stone artifacts from Kuturbulak, recovered from the 1970s to the 1990s, based on the Levallois technological method. It is established that all three variants of the Levallois technique (levallois detachment, sharp and plate) prevailed in the monument. Their quantitative indicators allow to include Kuturbulak in the Levalloisian facies of the Middle Paleolithic.